

"ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ"

фанидан

ДАСТУР

Тузувчи: т.ф.д., проф. Қ.Усмонов.

Такризчилар: т.ф.д., проф. А.Ҳазраткулов,
проф. М.Содиқов.

Дастурда Ўзбекистон халқларининг энг қадимги замонлардан то ҳозирги кунгача босиб ўтган тарихий йўли, ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маънавий - маданий ҳаётига доир назарий, концептуал - методологик муаммолари, тарихий воқеаларнинг моҳияти, сабаблари ва қонуниятлари таҳлил этилади.

В программе анализируются исторический путь народов Узбекистана с древнейших времен до сегодняшнего дня, теоретические, концептуально - методологические проблемы социально - политической, экономической и духовно - культурной жизни, сущности, причины, закономерности исторических событий.

Searching of historical way of people of Uzbekistan from ancient times till today, theoretical, conceptual - methodological problems, social - political, economical and moral - cultural life. Analyzing main ideas, reasons, law rules of historic events.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома).

1. СЎЗ БОШИ

XXI аср бўсағасида Ўзбекистон ўзининг давлат мустақиллигини қўлга киритди, халқимизнинг асрий орзуси ушалди, ўз тақдирини ва келажагини ўз қўли билан яратадиган бўлди.

Мамлакатимиз тарихида янги давр - мустақил тараққиёт даври бошланди. Халқимиз демократик ҳукуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш йўлида дастлабки синовлардан ўтди. Демократик ислохотлар тобора чуқурлашиб бормоқда.

Янги жамият қуриш, аввало, ёшларга, уларнинг маънавий дунёси, касб маҳоратига боғлиқ. қш авлодда миллий ғояни, юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда, миллий онг ва соғлом фикрни ўйғотиш, уларни Ватан, халқ ва истиклол тақдирини учун фаол курашчи, комил инсон қилиб тарбиялашда тарихий тафаккурнинг аҳамияти катта.

Мустақиллик шарофати билан Ватанимиз тарихини ўрганиш, уни ўқитишга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Олий ўқув юртларида "Ўзбекистон тарихи" фанини ўқитиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишнинг ягона концепцияси яратилди, ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар тайёрланди.

Фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари - Олий таълимнинг биринчи босқичи бўлган бакалавриятнинг барча йўналишларида "Ўзбекистон тарихи" фани ўқитилади. "Ўзбекистон тарихи" фани ўқув дастурига киритилган назарий ва концептуал - методологик мазмундаги мавзулар Президент Ислам Каримовнинг 1998 йил 26 июнь куни Республикаимизнинг таниқли олимлари ва мутахасислари билан бўлган суҳбатида илгари сурилган ғоялар ва методологик кўрсатмалар руҳида ўрганилади.

"Ўзбекистон тарихи" фани аجدодларимиз ҳаётида содир бўлган тарихий воқеаларни таҳлил қилишни, уларнинг сабаблари ва моҳиятини, ички ва ташқи омилларини, умумий ва ўзига хос қонуниятларини очиқ беришни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, ёшларда миллий ғоя, тарихий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашади.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғланиши - "Ўзбекистон тарихи" фани ижтимоий - гуманитар фанлар, жумладан, археология, фалсафа, диншунослик, маънавият асослари, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, социология, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти сингари фанлар билан бевосита боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Бакалаврият - талабаси Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон халқларининг энг қадимги замонлардан ҳозирги кунгача бўлган тарихини ижтимоий - сиёсий, иқтисодий, маънавий - маданий ҳаётига доир назарий, концептуал - методологик муаммоларни ўрганиш жараёнида улардан муайян сабоқ ва хулосалар чиқариш, олган билимларини ҳозирги кун ҳаётига тадбиқ эта олиш кўникмасига эга бўлиши назарда тутилади.

"Ўзбекистон тарихи" фанини ўқитишга ажратилган соатлар қуйидагича тақсимланади: маърузалар - 36 соат (50%), семинар машғулотлари - 36 соат (50%).

2. ФАН ДАСТУРИ

Ўзбекистон тарихи фани предмети, назарий - методологик асослари, манбалари ва аҳамияти

"Ўзбекистон тарихи"нинг фан сифатидаги ўрни. *Унинг предмети ва ўрганиши объекти.* "Ўзбекистон тарихи"ни ўрганишнинг *методологик принциплари:* холислик, илмийлик, тарихийлик. Ўзбекистон тарихининг жаҳон тарихи билан боғлиқлиги. Тарихни ўрганишда инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллий истиқлол тамойиллари. Тарихни ёритишда миллий қадриятлар, халқ анъаналари ва урф - одатлари, диний эътиқодлар, турли ижтимоий табақаларга нисбатан тарихий - маданий тараққиёт нуқтаи назаридан ёндашув.

И.А.Каримовнинг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" асарида Ватан тарихи билан боғлиқ масалаларнинг ёритилиши.

Ўзбекистон тарихини даврлаштириш.

Ватан тарихини ўрганишда моддий ва ёзма манбаларнинг ўрни ҳамда аҳамияти.

Ватан тарихининг ҳар томонлама етук, миллий истиқлол ғояси билан қуролланган инсонларни тарбиялашдаги аҳамияти.

Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири

Инсониятнинг дастлабки аждодлари, уларнинг маконлари. *Ватанимиз одамзод илк бор пайдо бўлган минтақалардан бири эканлиги.*

Ибтидоий жамиятнинг даврлари. Палеолит (қадимги тош) даври. Илк палеолит даври одамлари, уларнинг маконлари: Селунғур, Қоратоғ, Кўлбулок. Ўрта палеолит даври одамлари ва уларнинг маконлари: Тешиктош, Омонқўтон, Обираҳмат, Қўтирбулок. Оловнинг кашф этилиши ва унинг аҳамияти. Сўнгги палеолит даври одамлари яшаган маконлар: Самарқанд, Хўжа Гўр, Шуғнов, Қоракамар.

Ҳозирги кўринишдаги ақл - идрокли одамлар (кроманьонлар)нинг шаклланиши. Меҳнат қуролларининг такомиллашуви. *Уруғчилик жамоаси - она уруғи жамоасининг шаклланиши ва унинг тараққиёти.*

Мезолит (ўрта тош) даври. Бу давр одамларининг маконлари: Мачай, Қўшлиш, Обишир. Марказий Фарғона, Зараутсой, Сармишсой, Такатош, Теракли, Нурота тасвирий санъат ва маданий ёдгорликлари. Ўқ - ёйнинг ихтиро қилиниши ва унинг аҳамияти. Одамларнинг хайвонларни қўлга ўргатиш,

бошоқли ўсимликларни ўстириш малакаларини ўзлаштира бошлаши. Диний эътиқодлар.

Неолит (янги тош) даври. Жайтун маданияти. Ўрта Осиёдаги дастлабки деҳқончилик қишлоқлари. Калтаминор маданияти ва унинг босқичлари. Марказий Фарғона неолит ёдгорликлари. Ҳисор маданияти. Тош қуролларининг такомиллашуви. *Чорвачилик ва деҳқончиликнинг шаклланиши. Ишлаб чиқаришга асосланган хунармандчиликнинг вужудга келиши*: кулолчилик, қайиқсозлик, тўқимачилик ва заргарликнинг ривожланиши.

Энеолит даври. Саразм ва Замонбобо маданияти. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти марказларининг пайдо бўлиши.

Бронза даври, унинг ёдгорликлари: Сополлитепа, Тозабоб, Амиробод, Чуст, Далварзинтепа маданиятлари. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши. Хунармандчилик. Меҳнатнинг дастлабки йирик тақсимоли.

Ижтимоий - иқтисодий ривожланиш натижасида патриархал ота уруғи муносабатларининг юзага келиши.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва дастлабки тараққиёт босқичлари

Ўзбекистон ҳудудларида дастлабки ишлаб чиқариш жамоаларининг ташкил топиши. Хусусий мулк ва турли ижтимоий табақаларнинг вужудга келиши. Ўлкамиз ҳудудларида дастлабки шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиши (Сополлитепа, Жарқўтон, Гонур, Дашли, Олтинтепа).

Қадимги Хоразм. Унинг илк ўзбек давлатчилигининг шаклланишидаги ўрни. Хоразм ҳақидаги ёзма ва археологик маълумотлар. Қалъалиқир, Кўзалиқир ва бошқа ёдгорликлар. Мил.ав. I минг йилликнинг биринчи ярми Хоразмдаги ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Қадимги Бактрия. Бактрия давлати ўзбек давлатчилиги тараққиётининг маҳсули эканлиги. Бактриядаги ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Қадимги Суғд (Суғдиёна) ҳақидаги археологик ва ёзма манбалар. Қадимги Суғдиёна шаҳарлари (Кўктепа, Афросиёб, Узунқир, Ерқўрғон). Ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаёт.

Аҳмонийларнинг Ўрта Осиё давлатларини босиб олиши. Маҳаллий аҳолининг босқинчиларга қарши озодлик учун кураши.

Аҳмонийларнинг Ўрта Осиёни сатрапияларга бўлиб ҳукмронлик қилиши. Солиқ тартиби. Иқтисодий ҳаёт. Пул муомаласи. Хоразмнинг мустақилликни қўлга киритиши, унинг ҳудудларининг кенгайиши. Хитой манбаларида унинг Қанға деб аталиши. Аҳмонийлар давлатининг инқирози.

Юнон - македон қўшинларининг Искандар Зулқарнайн бошчилигида Ўрта Осиёга юриши. *Спитамен бошлиқ халқ қасоскорларининг жасоратлари.* Бактрия ва Суғдиёна халқлари устидан Искандар ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Аҳолининг ижтимоий - иқтисодий аҳволи.

"Авесто" - Ўрта Осиё халқлари қадимги тарихи ҳақидаги муҳим манба.

Суғдиёна ва Бактрия салавкийлар сулоласи ҳукмронлиги остида. Шаҳарлар қурилиши. Савдо - сотиқ ва ҳунармандчиликнинг тараққиёти.

Бактрия давлатининг қайта тикланиши, ҳокимиятнинг юнонлар томонидан бошқарилиши. Диодотлар ва Евтидемийлар сулоласи даврида давлатнинг кенгайиши ва кучайиши. Эллинизм (Эллада) маданиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши. Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро таъсири. Антик шаҳарсозлик жараёнлари. Савдо - сотиқнинг ўсиши.

Фарғона водийсида илк давлат тузилмасининг шаклланиши. Хитой манбаларида Даван давлати ҳақидаги маълумотлар. Даван давлатининг ижтимоий - иқтисодий ҳаёти. Ички ва ташқи сиёсати.

Юечжи қабилаларининг Ўрта Осиёга кириб келиши. Кушонлар (гуйшуан) сулоласининг сиёсий ҳокимиятни эгаллаши. *Кушонлар салтанати мамлакатимиз давлатчилиги тарихида янги давр эканлиги.*

Кушонлар томонидан минтақадаги барча сиёсий уюшмаларни бирлаштирилиши ва ўзбек давлатчилиги тарихида салтанатлик босқичига асос солиниши. Куджула Кадфиз, Вима Кадфиз, Канишка даврида салтанат ҳудудларининг кенгайиши, давлат қудратининг кучайиши. Кушонлар сулоласи даврида мамлакатимизнинг ижтимоий - иқтисодий ҳаёти, қишлоқ хўжалиги, шаҳарлар қурилиши, ҳунармандчилик ва савдо - сотиқнинг ривожланиши.

Маданий ҳаёт. Оташпарастлик, Буддавийлик, Монийчилик эътиқодларининг тарқалиши. Ибодатхоналар. Ҳайкалтарошлик.

Ўзбекистонинг қадимий ёзув маданияти. Бактрия, Хоразм, Суғд ёзувларининг Оромий ёзуви таркибидан ажралиб чиқиши. Юнон - Бохтар ёзуви. Тасвирий санъат.

Ўзбек халқининг этник шаклланиши

Уруғ, қabila, элат, халқ ва миллат тушунчалари. Ўзбек халқининг этник жиҳатдан шаклланиши. *Турон заминида туркий қавмларнинг азалий этнос эканлиги.*

Ўзбек халқининг асосини Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Паркана, Тохаристон, Чоч ҳудудларида бир неча минг йиллар давомида яшаб келган массагетлар, саклар, хоразмийлар, бахтарлар, суғдийлар, тохарлар, даванликлар ташкил

этганлиги. *Турли асрларда бошқа минтақалар қабила ва элатлари билан тубжой аҳоли ўртасида кечган этник жараёнлар.*

Мил. ав. I минг йилликнинг ўрталарида Марказий Осиё худудларидаги этник ижтимоий вазият. Туркий элатлар ва форсийзабон аҳоли ўртасидаги этник ва маданий муносабатлар. Милодий бир минг йиллик ўртасида бу жараённинг янада жонланиши. Турк - суғд симбиози.

IX - XII асрларда қарлуқлар, ўғизлар, қипчоқлар, чигиллар ва бошқа туркий қавмларнинг ўзбек халқининг этник шаклланишидаги ўрни. Эски ўзбек тилига асос бўлмиш қарлуқ - чигил лахжасининг ривож топиши ва ёзма адабий тил даражасига кўтарилиши.

Мўғуллар истилоси, унинг ўзбек халқи этник таркибига таъсири.

XV аср охири - XVI асрларда Ўрта Осиёга Дашти Қипчоқ элатларининг кириб келиши ва маҳаллий аҳоли билан аралашиб, ўтроқлашуви. *"Ўзбек" атамасининг келиб чиқиши.*

Совет истибдоди даврида Ўрта Осиёда "миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши, Туркистон ўлкасининг этник ва худудий жиҳатдан парчаланиб кетиши. Минтақада Ўзбекистон ва бошқа республикаларнинг ташкил топиши.

Ўзбекистоннинг миллий мустақиллик давридаги этник ҳолати ва бу соҳадаги ижобий ўзгаришлар. *Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик.*

Илк ўрта асрлар ўзбек давлатчилиги: ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт

Эфталийлар давлатининг шаклланиши, унинг худудий ўрни. Эфталийлар ва Эрон сосонийлари. Шарқий Эрон ва Шимолий Ҳиндистоннинг Эфталийлар давлатига қўшиб олинishi.

Эфталийлар даврида ижтимоий - иқтисодий ҳаёт. Тижорат. Ҳунармандчилик. Чорвачилик. *Ерга эгалик муносабатлари. Табақаланишининг кучайishi. Деҳқонлар, кашоварлар ва кадиварларнинг турмуши ва жамиятда тутган ўрни.*

Турк ҳоқонлигининг вужудга келиши. Турк ҳоқонлиги томонидан Ўрта Осиё ва Уралолди даштларининг забт этилиши.

Турк ҳоқонлиги даврида мамлакатни идора этиш усули. Ҳоқон - давлат бошлиғи. Зодагонлар кенгаши - қурултой. Ижтимоий табақаланишнинг кучайishi. *Абруй қўзғолони.* Турк ҳоқонлигининг икки қисмга бўлиниб кетиши.

Хоразмда африғийлар сулоласи

Араб халифалигининг пайдо бўлиши. *Юртимизнинг Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араблар томонидан истило қилиниши. Араб ҳукмдорларининг*

Ўрта Осиёда юритган сиёсати. Бошқариш тизими. *Солиқ сиёсати. Хирож, ушр, жузья, закот, фитр.* Аҳолининг бошқа мажбуриятлари. Араблаштириш: маҳаллий маданиятнинг таъқиб этилиб, араб маданиятининг тарғиб этилиши. Араб тилининг расмий давлат тилига айлантирилиши.

Ислом динининг ёйилиши. Масжидлар қурилиши. Қуръони карим ва шариат қонунлари мажмуаси Ҳадисларнинг ижтимоий - сиёсий моҳияти. *Ислом дини таълимотини ривожлантиришида Ўрта Осиёлик исломшунос олимларнинг қўйган улкан ҳиссалари.*

Араб халифалигидаги ички сулолавий курашнинг ўлкамиз ижтимоий - сиёсий ҳаётига таъсири.

IX - XII асрларда ўзбек давлатчилиги: сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт

IX аср бошларида Мовароуннаҳрнинг сиёсий ахволи. Тохирийлар давлати. Ижтимоий - иқтисодий ҳаёт.

Тохирийлар билан саффорийлар ўртасидаги кураш. Саффорийларнинг ҳокимият тепасига келиши.

Мовароуннаҳр вилоятларига сомонийлар уруғидан ноиблар тайинланиши. Сомонийлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши. *Исмоил Сомоний ислохотлари. Давлатни бошқариш тартиби.* Ер - сув муносабатлари. Ерга ва бошқа кўчмас мулкка эгалик шакллари. *Иқто ва иқтодорлар.* Корандалар, уларнинг мажбуриятлари. Бухоронинг ислом дунёсида нуфузли марказга айланиши. Солиқ сиёсати.

Шарқий Туркистон ва Еттисувда *Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши.* Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши. Қорахонийлар давлатида ижтимоий - иқтисодий ҳаёт. Аграр муносабатлар. Мулкчилик шакллари, солиқ сиёсати.

Қорахонийлар давлатининг иккига бўлиниши. Бухоро - ғарбий хонлик маркази. Қорахонийлар мавқеининг заифлашуви.

Ғазнавийлар давлатининг ташкил топиши. Сабуктагин ва Маҳмуд Ғазнавий даврида давлатнинг кучайиши. Ички ва ташқи сиёсат.

Ғазнавийлар билан салжуқийлар ўртасидаги тўқнашув. Ғазнавийлар давлатининг инқирози. Султон Санжар даврида салжуқийлар давлатининг юксалиши. Ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаёт. Салжуқийлар давлатининг кучсизланиши. Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрга ҳужумлари.

Хоразмда Султон Отсиз томонидан *Хоразмшоҳ - Ануштегинлар сулоласининг ўрнатилиши*. Эларслон ва Такаш даврида Хоразмшоҳлар давлати худудларининг кенгайиши. Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида давлатни бошқариш тизими. Солиқ сиёсати. Ерга эгалик шакллари. Мулкдорлар, кадхудо ва кадиварларнинг жамиятдаги ўрни.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётида IX - XII асрларда юз берган Уйғониш (Ренессанс) даври. Аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси

Моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши (Ренессанс)ни таъмин этган тарихий шарт - шароитлар.

IX - XII асрларда илм - фан. Араб, форс, турк тилларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни. қзувлар. Табиий ва ижтимоий фанлар равнақи. Ал - Хоразмий, Ал - Фарғоний, Форобий, Наршахий, Ибн Сино, Беруний, Рудакий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар.

Ислом динининг давлат таянчига айланиши. Сўфийлик тариқати. Юсуф Ҳамадоний, Хўжа Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро.

Бинокорлик ва меъморчилик. Мақбаралар, миноралар, жоме масжидлар, мадрасалар, мактаблар қурилиши. Уйғониш даври мутафаккирлари қолдирган илмий ва маданий мероснинг жаҳон фани ва маданиятида тутган ўрни. Унинг бугунги ёшларни миллий ғоя, миллий мафкура руҳида тарбиялашдаги аҳамияти.

Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш

Чингизхон (Темучин) нинг мўғулларни бирлаштириб кучли давлат тузиши. "Ясо" қонунлари. *Чингизхон ва Муҳаммад Хоразмшоҳ ўртасидаги элчилик муносабатлари*. *Мўғуллар хужуми арафасида Хоразмшоҳлар давлатидаги вазият*. Урганч, Ўтрор, Хўжанд, Бухоро, Самарқанд ва Термизнинг босиб олиниши, таланиши ва ёндирилиши. *Жалолиддин Мангуберди ва Темур Маликнинг жасоратлари*. Ўлкада мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Мўғуллар истилосининг даҳшатли оқибатлари.

Чигатой улусининг ташкил топиши. Бошқарув тартиби. Солиқлар. Зулмнинг кучайиши. *Маҳмуд Торобий қўзғолони, унинг тарихий аҳамияти*.

Чингизийлар орасидаги ички кураш ва унинг Чигатой улусига таъсири. Чигатой хонларининг исломни қабул қилиши. Кебекхоннинг маъмурий ва пул ислохотлари. Қозонхон даврида ҳокимият учун ички курашнинг кучайиши. Ҳокимиятнинг амир Қозонхон қўлига ўтиши. Чигатой улусининг парокандаликка учраши.

Маданий ҳаёт. Паҳлавон Маҳмуд, Жалолиддин Румий. Бурҳониддин Рабғузӣ, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқаларнинг ижтимоӣ ҳаётдаги ўрни.

**Амир Темур ва Темурӣлар даврида ўзбек
давлатчилигининг юксалиши. Ижтимоӣ -
сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт**

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрдаги ижтимоӣ - сиёсий вазият. *Амир Темурнинг сиёсий кураш майдонига кириб келиши. Амир Темур ҳокимиятининг ўрнатилиши. Самарқанд - Темур давлатининг пойтахти. Амир Темурнинг мамлакатни бирлаштириши ва марказлашган давлат тузишдаги тарихий хизмати.*

Амир Темур - буюк давлат арбоби, машҳур саркарда. Унинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятининг таҳлили. "Темур тузуклари" ва унинг аҳамияти. Мамлакатни бошқаришнинг суюрғол усули.

Давлат сиёсатида ислом динининг роли. Салтанатни бошқариш тизими. Қўшиннинг тузилиши ва ҳарбий интизом.

Амир Темур вафотидан кейин темурӣ шаҳзодалар ўртасида тожу - тахт учун ички курашлар. Империянинг парчаланиши.

Шоҳруҳ ҳокимиятининг ўрнатилиши. Хўжалик ва маданий ҳаёт. Солиқ сиёсати ва мажбуриятлар. Тижорат ишлари. Фан ва маданиятга ҳомийлик. Шаҳарларнинг обод қилиниши. Самарқанддаги меъморчилик ишлари, боғ ва сайлгоҳларнинг яратилиши.

Мовароуннаҳрда Улуғбек ҳукмронлиги. Таиқи сиёсат. Мирзо Улуғбек даврида маданият, илм - фан ва адабиёт равнақи. Улуғбек академияси. Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али кушчи. Миниатюра санъати. Камолиддин Беҳзод. Тарихнавислик: Шарафиддин Али Яздӣ, Низомиддин Шомӣ, Ибн Арабшоҳ, Мирхонд, Хондамир, Абдулраззоқ Самарқандӣ.

Муҳолифат кучлар томонидан Улуғбекнинг ўлдирилиши. Мовароуннаҳрда Абусаид ва унинг ўғиллари, Хуросонда Хусайн Бойқаронинг ҳукмронлиги.

Алишер Навоӣнинг сиёсий ва адабий фаолияти ҳамда туркий тилни мавқеини оширишдаги хизматлари. *Адабий муҳит: Лутфӣ, Оғаҳӣ, Саккокий, Жомӣ.*

Темурӣлар ҳокимиятининг инқирозга юз тутиши, унинг сабаблари.

**Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши,
унинг сабаблари ва оқибатлари**

Муҳаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннаҳрга юриши. Бобурнинг Шайбонийхон билан тўқнашуви. *Бобурнинг Мовароуннаҳр ерларини бирлаштириш учун ҳаракати. Унинг давлат арбоби, олим сифатида жаҳон тарихидаги ўрни*

Шайбонийлар сулоласининг бошқарув тизими. Мамлакатнинг султонлар ва бекларга бўлиб берилиши. Амалдорлар ва беклар мавқеининг кучайиши, марказий давлат ҳокимиятининг заифлашуви. Шайбонийхон ўлиmidан кейин ҳокимият учун ички курашларнинг авж олиши ва мамлакатнинг парчаланиши.

Абдуллахон II даврида Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Бухорони ободонлаштириш, мадраса, мачит, янги иморатлар қуриш ишлари. Маданий ҳаёт.

Бухоро хонлигида Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласининг ўрнатилиши. Аштархонийлар сулоласи даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий аҳволи. Солиқ сиёсати. Ҳунармандчилик. Ички ва ташқи савдо муносабатлари. Пул муомаласи. Россия билан алоқаларнинг кенгайиши. Маданий ҳаёт.

Бухоро хонлигида ҳокимиятнинг манғитлар сулоласига ўтиши ва хонликнинг Бухоро амирлиги деб юритила бошланиши. Манғитлар даврида Бухоро амирлигининг ижтимоий ва давлат тизими. Қишлоқ хўжалигининг аҳволи. Тижорат ишлари. Ҳунармандчилик.

Бухоро амирлигида маданий ҳаёт. Бухоро - ислом ва маърифат маркази. Мактаб ва мадрасалар, меъморчилик, адабий ҳаёт: Мушфиқий, Насафий, Турди, Бедил, ижодий мероси Таниш Бухорийнинг "Абдуллонома" асари.

Хива хонлигининг ташкил топиши. Элбарсхон. Хива ҳокимиятининг Муҳаммад Раҳим кўлига ўтиши ва хонликда *Кўнғирот ўзбеклари сулоласининг ўрнатилиши.* Ижтимоий - иқтисодий аҳвол. Тижорат ишлари. Хиванинг Россия билан алоқалари. Бекович - Черкасский ва Никифоров дипломатик миссиялари. Маданий ҳаёт. Меъморчилик.

XVIII асрда Фарғона водийсидаги аҳвол. Ўзбекларнинг минг уруғидан бўлган Шоҳруҳбий томонидан Қўқон хонлигига асос солиниши. Хонликдаги ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ҳаёт. Қўқон ва Россия муносабатларининг кескинлашуви.

Қўқон хонлигида санъат, меъморчилик ва маданий ҳаёт. Машраб, Увайсий, Нодирабегим, Махмур, Гулханийларнинг адабий фаолияти.

Ўзбек хонликларининг илгор Европа мамлакатларидан ижтимоий - сиёсий, иқтисодий ва техникавий жиҳатидан орқада қолишининг сабаблари.

**Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши.
Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг
миллий озодлик кураши. Жадиличлик**

XIX аср ўрталарида ўзбек хонликларининг ижтимоий - сиёсий аҳволи ва ўзаро муносабатлари. Ўрта Осиё масаласида Англия билан Россия ўртасидаги рақобат.

Чор Россияси қўшинларининг Қўқон хонлиги ҳудудларига ҳужуми. Оқмачит, Сўзак, Авлиёота (Жамбул), Туркистон, Чимкент шаҳарларининг забт этилиши. Тошкент мудофааси, унинг босиб олиниши. Жиззах, Ўратепа учун жанглар. Туркистон генерал - губернаторлигининг ташкил этилиши. Кауфманнинг Бухорога юриши. Самарқанднинг забт этилиши. Зирабулоқ ёнидаги жанг, амир қўшинларининг мағлубияти. Самарқанд ва Каттакўрғоннинг Бухоро хонлигидан тортиб олиниши. Бухоро амирлигининг Россия вассалига айлантирилиши.

Кауфманнинг Хива хонлигига босқинчилик юриши. Хазорасп, Хўжайли, Қўнғиротнинг забт этилиши. Гандимиён шартномаси. *Хива хонлигининг Россия вассалига айлантирилиши.*

Қўқон хонлигида сиёсий танглик. Халқ кўзғолонлари. Пўлатхон, Насриддинбек. *Чор Россия томонидан Қўқон хонлигининг босиб олиниши ва хонликнинг тугатилиши. Фарғона вилоятининг ташкил этилиши.*

Чоризмнинг ўлкамиздаги мустамлакачилик сиёсати. Мустамлакачилик бошқарув тизимининг ўрнатилиши. 1867 йилги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги қонун. Ҳарбий бошқарув тартиби. Ўлкани вилоятлар, уездлар, волостлар, участкаларга бўлиб бошқарилиши. 1886 йилги "Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом" ва маъмуриятчиликнинг кучайиши.

Чоризмнинг Туркистонда иқтисодий ҳукмронликни ўрнатиш тадбирлари. Ўлкада рус саноат ва молия капиталининг ҳукмронлиги. Тижорат ишлари. Темир йўл, завод ва фабрикалар қурилиши. Аграр сиёсат. Рус аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати. Маҳаллий аҳолининг унумдор ерлардан сиқиб чиқарилиши.

Чоризмнинг Туркистонда мустамлакачиликни кучайтиришга қаратилган маданий ва маърифий сиёсати. Маҳаллий халқлар ҳақ - ҳуқуқлари, маънавияти, урф - одатларининг оёқ ости қилиниши. Руслаштириш сиёсати. Рус - тузем мактаблари. Адабиёт, фан, санъат, ижтимоий - фалсафий фанлар равнақи.

Туркистонда чоризм мустамлакачилик зулмига қарши халқ ҳаракатлари: *Қурбонжон додхоҳ, ққуббек, Намоз Пиримқулов ва бошқаларнинг халқимиз тарихида тутган ўрни. Тошкент қўзғолони. Андижон қўзғолони.*

Туркистонда жадиждлар ҳаракатининг юзага келиши. Унинг атоқли вакиллари: И.Гаспарали, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, А.Авлоний, А.Фитрат. Уларнинг ижтимоий - сиёсий ва маърифий қарашлари.

Биринчи жаҳон урушининг ўлка ҳаётига салбий таъсири. Чоризмнинг маҳаллий аҳолини фронт орқасидаги ишларга сафарбар этиш сиёсати. Меҳнаткаш аҳоли норозилигининг кучайиши. *1916 йилги халқ қўзғолони ва унинг характери.*

Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат

Россияда 1917 йил февраль буржуа - демократик инқилоби, подшо ҳокимиятининг ағдарилиши, унинг ўлкамизга таъсири. Туркистонда ишчи ва аскар депутатлари совети, мусулмон меҳнаткашлари шўроси, Россия Муваққат ҳукумати Туркистон қўмитасининг тузилиши. Жадиждларнинг *"Шўрои исломия", "Шўрои уламо" ташкилотлари, уларнинг фаолияти.*

Туркистонда ижтимоий - сиёсий беқарорликнинг кучайиши. Тошкент ва ўлканинг бошқа шаҳарларида советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши. Советларнинг III ўлка қурултойи, унда тузилган ҳукумат таркиби ва қабул қилинган қарорларда улуғ давлатчилик, маҳаллий аҳолини камситиш руҳининг ифодаланиши.

Ўлка мусулмонларининг Қўқонда чақирилган фавқулодда IV қурултойи. *Туркистон мухториятининг ташкил этилиши. Большевиклар ҳокимияти томонидан Қўқондаги Туркистон мухтор ҳукуматининг ағдарилиши.*

Советлар ҳокимиятининг иқтисодий ислохотлар ўтказиш, ер ҳақидаги декретни амалга оширишдаги тадбирлари ва унинг оқибатлари. *Туркистон АССРнинг тузилиши. Турккомиссия. "Ҳарбий коммунизм" сиёсати, уни амалга оширишда йўл қўйилган хатолар. Тошкентда Осипов бошчилигидаги исён.*

Фарғона водийсида қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг бошланиши, унинг моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, босқичлари.

Хива хонлигида ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий вазият. Хива хонлигининг заифлашуви. *"қи хиваликлар" ташкилоти. Советлар ҳокимияти қизил*

армиясининг Жунаидхонга қарши юриши. *Хива хонлигининг ағдарлиши. "Хоразм Халқ Совет Республикаси"нинг тузилиши.*

Бухоро амирлигида ижтимоий - сиёсий аҳвол. *"қиш бухороликлар" ташиқилоти.* Советлар ҳокимиятининг Бухоро амирлиги ички ишларига аралашуви. Фрунзе қўмондонлигидаги қизил армиянинг Бухорога хужуми ва амир Саид Олимхон ҳокимиятининг мағлубияти. *"Бухоро Халқ Совет Республикаси"нинг ташиқил этилиши.*

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий - сиёсий, иқтисодий тадбирлари ва уларнинг мустамлакачилик моҳияти

Ўзбекистонда 20 - йиллардаги ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий вазият. *1920 - 1921 йиллардаги ер - сув ислоҳоти. "Қўшчи" уюшмаси. Ер ва сув солиғи. Кооперациялар ва ширкатларнинг тузилиши.*

Ўрта Осиёда миллий - давлат чегараланишининг ўтказилиши. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил топиши. Ўзбекистон ССРнинг СССР таркибига киритилиши. Аҳолининг таркиби. Миллий чегараланиш оқибати. А.Икромов, Й.Охунбобоев, Ф.Хўжаев, В.Иванов, А.Раҳимбобоевлар фаолияти.

Қорақалпоғистоннинг ижтимоий - сиёсий аҳволи. *Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг ташиқил топиши.*

Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсати ва амалиёти.

Аграр сиёсат. *1925 - 1929 йилларда ўтказилган ер - сув ислоҳоти. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати, унинг оғир оқибатлари. Қулоқлаштириш сиёсати ва унинг мудҳиш натижалари.*

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаёти.

Саноат ва транспорт. Республикамининг аграр хўжалиги. *Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қариш, Шеробод ва бошқа ҳудудларда қўриқ ва бўз ерларнинг ўзлаштирилиши.* Экологик мутаносибликнинг бузила бошлаши.

Ўзбекистонда 50 - 70 - йилларда иқтисодиётни бошқариш соҳасида ўтказилган ислохотлар, уларнинг самарасизлиги. Иқтисодиётнинг бир томонлама, хомашё етиштириш томон йўналтирилиши. Пахта якка ҳокимлигининг оқибатлари, экологик ҳолатнинг бузилиши. Аграр сиёсатдаги номутаносиблик. *Орол фожияси.*

Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг маънавий - маданий қарамлиги ва унинг оқибатлари

Ўзбекистонда 20 - 30 - йиллардаги маданий ҳаёт. Халқ маорифи. *Тошкентда Миллий университетнинг ҳамда бошқа олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг очилиши. "Ҳужум" ҳаракати. Эски ва янги алифбо масалалари. "Саводсизликни тутатиш" учун кураш. Маданий оқартув муассасалари. Адабиёт ва санъат. Илмфан. Ўзбекистон фан комитети, СССР ФАнинг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН)нинг ташкил этилиши.*

50 - 80 - йилларда республиканинг маданий ҳаёти. Фан. Адабиёт ва санъат. Таълимтарбия ва турмуш. Олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш.

Маънавий ҳаётда мафкуравий чеклашлар, буйруқбозликнинг кучайиши. Халқни миллий қадриятлар, маънавий меъросдан бегоналаштириш, ўзбек тилини қўллашда камситиш ҳоллари. Ижтимоий фанлар. Адабиёт ва санъат асарларида, радио ва телевидение, кино ва театр фаолияти, уларда реал ҳаётдан чекиниш ҳоллари.

Давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни.

Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги катагонлик сиёсати ва унинг оқибатлари

